Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

4-йил чиқиши
21 ИЮЛЬ, 1969 й.
ДУШАНБА
№ 169 (933).
БАҲОСИ 2 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

● *В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллиги шарафига*

АҲОЛИ МАМНУН

Барча совет кишилари каби Граждан Авиация шаҳарчасида жойлашган клубининг ходимлари ҳам доҳий мизнинг В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллик улкан тўйига катта тайёргарлик кўришмоқда.

Авиация шаҳарчаси аҳли клуб фаолиятидан жуда мамнун. Улар улуғ доҳий ҳақида кўпгина лекциялар тингладилар. Кинофильмлар кўришди. Шу кунларда клуб маъмурияти кўргазма ва стендлар ташкил қиляпти.

Клуб директори З. Д. Соқиев билан бўлган суҳбатда у бундай деди:

— Кўчма «Билим» кинолекториямиз шаҳарчанинг кўпгина жойларида — майдонларда, кўчаларда, коммунал уйларда доҳий ҳаёти ва ижодий фаолияти тўғрисида ҳикоя қилувчи ҳужжатли кинофильмлар ва киножурналлар намойиш қилмоқда, доҳий овози ёзиб олинган грампластинкаларни қўйиб беряпти.

БИР КОРХОНА ЯНГИЛИКЛАРИ

Бугун «Шарқ» фирмасида

«Шарқ» фирмаси ишлаб чиқарган уй жиҳозларини шаҳримизнинг ҳар бир хонадонида учратиш мумкин. Фирма ўз маҳсулотлари билан республикамиздан ташқарида ҳам машҳур. Буни фирманинг бутуниттифоқ кўргазмасидан бронза медали билан тақдирланганидан ҳам билса бўлади.

Бежирим диванлар

Фирма юз партия «БН-032» маркали янги диванлар чиқаришни планлаштирган. Ҳозир шу маҳсулотларга керакли бўлган айрим қисмлар тайёрланмоқда. Тез кунларда янги диван йиғила бошлайди.

Фойдали таклифлар

Фирмада ихтирочи ва рационализаторларнинг фойдали таклифлари ишлаб чиқаришга жорий қилиниб, кўплаб маблағ тежаляпти. Янгиликяратувчилар П. Азмижонов билан Ж. Еқубовлар стул деталлари конструкциясига оид ўз ихтироларининг таклиф қилишганди. Таклиф ишлаб чиқаришда қўлланилиб, корхона 3450 сўм фойда кўрди. Авторлар эса 131 сўмдан пул мукофоти олишди.

Коммунист рационализаторлардан Арабгидзец Х. Сайдуллаев, Т. Ҳидировларнинг стулларни тайёрлашда пресслаш ва шкаф фанерларини алмаштириш усуллари тўғрисидаги таклифи эса фирмага 3870 сўмлик фойда келтирди.

Бундан ташқари ихтирочилардан Б. Ўҳўраев, С. Домуллажоновларнинг стол ва стул ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ҳақидаги янги таклифлари ишлаб чиқаришга жорий қилиш учун синовдан ўтказилмоқда.

Ишчиларга ғамхўрлик

Илғор ишчиларнинг ўғил-қизларидан бир группаси пионер лагерларида бепул дам олиш учун жўнаб кетди.

Келгусида яна 20 бола лагернинг 3-сменасида текинга дам олишади.

Бундан ташқари ишчилардан 10 киши Ивановодаги Иваново шаҳарига дам олиш учун жўнади.

Ишчилар учун яна бир қулайлик яратилди. Корхона ичкарисида 210 ўринлик чойхона қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Кўнгилли ўтмоқда

Фирма ишчиларининг ёз фаслида яхши дам олишлари учун барча қулайликлар яратилган. Ишчилардан бир группаси яқинда Самарқанд ва Бухоро шаҳарларига бориб келди.

Бундан ташқари ишчилар дам олиш кунларини кино-театрларга коллектив равишда боришади, ветеранлар билан учрашувлар ўтказишади.

Кадрлар тайёрлашга эътибор

Кадрлар тайёрлаш, ишчилар малакасини ошириш фирмада яхши йўлга қўйилган. Яқинда 50 ишчи Москвада ўз ихтисоси бўйича ўқиб келди. Куни кеча 32 ёш ишчи эса ўз малакасини ошириш учун Москвага жўнаб кетди. Умуман шу йил охиригача фирма ишчиларидан 200 кишини мамлакатимизнинг турли шаҳарларига ўқишга юбориш мўлжалланмоқда.

Э. УТАЕВ.

Бараka - тежамда

ТЕЖАМКОРЛИК ЮРИШИ

Беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш ва доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг юз йиллигини муносиб кутиб олиш йўлида меҳнат қилаётган 2-пойафзал фабрикасининг коллективи тежамкорликда ҳам катта ютуқларни қўлга киритмоқда.

Ильич фонди тўплаш юзасидан бригадалар, участка ва цехлараро бошланган мусобақа кун сайин қизимоқда. Ўтган йирим йилликда тежамкорлик бўйича қувончли якунлар қўлга киритилди. Фабрика коллективи 521 минг дециметр астарлик материал тежади. Бу — 37 минг сўмни ташкил этади.

21 минг сўмлик ёки 141 минг дециметр таг чарм, 300 минг дециметр ёки 12 минг сўмлик тўқимачилик материаллари ҳам тежаб қолинди.

— Тежалган материаллардан, — дейди планлаштириш бўлимининг катта инженер-экономисти И. Я. Гольцман, — коллективимиз 12 минг жуфт пойафзал тайёрлади. Ишлаб чиқариш планларини барча кўрсаткичлар бўйича ошириб адо этаётган пойафзалчилар йилнинг иккинчи ярмида ҳам тежамкорлик учун юришни давом эттириб, Ильич фондига ўн минг сўмлаб жамғарма қўшишга аҳд қилганлар.





Шу кунларда шаҳримизнинг барча корхоналарида меҳнат кўтаринкилиги авжида. Ҳар бир ишчи В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллик юбилейига шахсий совға тайёрлаш мақсадида меҳнат вахтасида туриб ишламоқда.

Юқоридаги суратда — «Средазэнергоцветмет» корхонасининг пешқадам токари Миролим Миррахимовни кўриб турибсиз. У шахсий беш йиллик топшириғини шу йилнинг октябрь ойида адо этади.

Чапдаги суратда эса шу корхонанинг ёш ишчиси, Миролим аканинг ҳамкасби Реш Бурхонов.

Тошкент бадиий буюмлар фабрикасида ҳам беш йиллик илғорлари кўпчиликни ташкил этади. Ўнгдаги суратда сиз шу фабриканинг чевар каштачиси Дилбар Шонбоҳимованни кўряпсиз.

М. Нуриддинов фотолари.

ДОҲИЙ ЮБИЛЕЙИ ШАРАФИГА МЕҲНАТ ВАХТАСИДА



ЧИЛОНЗОР РАЙОН СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

Яқинда меҳнаткашлар депутатлари Чилонзор район Советининг XII чақириқ III сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда район уй-жой фонди, болалар ва соғлиқни сақлаш муассасаларини қишки шароитда ишлашга тайёрлашнинг бориши тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Бу ҳақда район уй-жой бошқармасининг бош инженери М. С. Сафонова, «Водоканал» трестининг бошлиғи М. И. Хўжаев, «Таштеплосеть» бош инженери Л. Е. Гиршович, шаҳар қайта тиклаш ишлари трести бош инженери А. З. Содиқов ўртоқларнинг докладлари тингланди.

Сессия кўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

ЖУРНАЛИСТЛАРНИНГ СЕМИНАР-КЕНГАШИ

Область партия комитетининг мажлислар залида пойтахт областининг шаҳар ва район газеталари журналистларининг семинар-кенгаши бўлиб ўтди.

Кенгашда Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. А. Абдураззоқов КПСС Марказий Комитетининг «Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда район газеталарининг ролини янада ошириш ҳақида»ги қарори муносабати билан маҳаллий газеталарнинг вазифаларини мавзуида доклад қилди.

Докладчи областнинг қишлоқ хўжалиги, саноати ва бошқа соҳалардаги тараққиёти, совет воқелигини тўлиқ акс эттиришда матбуот ходимлари олдига қўйилган вазифалар ҳақида гапирди.

Семинар-кенгашда сўзга чиққан «Социалистический Чирчиқ», «Пахтакорлар овози», «Алмаликский рабочий» ва «Ленинчи» газеталарининг редакторлари газета саҳифаларида Ленин темаси, газеталарнинг гоявий мазмунини ва безатилишини яхшилаш, меҳнаткашлар хатлари билан ишлаш соҳасидаги ўз тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

● ШУ КУННИНГ ЯНГИЛИГИ

АВТОТРАНСПОРТЧИЛАР БАЙРАМИ

Кеча шаҳримиз кўчаларида ҳар хил маркадаги автомобиль колонналари саф тортди, совет машинасозлигининг 52 йил ичида қўлга киритган ютуғи намойиш қилинди. Автоколонналар марши Чилонзор районининг Волгоград кўчасидан бошланиб, Муқимий, Шота Руставели, Фурқат, Навоий кўчаларидан ўтиб «Победа» маданият ва истироҳат боғига борди. Автомашиналар парадида Иттифоқимизнинг кўпгина заводлари ишлаб чиқарган автомашиналар қатнашди. Сўнгра «Победа» боғида автотранспортчилар байрами шаҳар ДОСААФ жамияти томонидан ташкил қилинган бўлиб, доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллик тўйига бағишланди.

Автотранспортчилар байрами шаҳар ДОСААФ жамияти томонидан ташкил қилинган бўлиб, доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллик тўйига бағишланди.

● БИЛИМЛАР—ОММАГА

Катта қизиқиш

Куни кеча «Оргтехстрой» трестининг клубида жаҳон коммунистик ва ишчи партияларининг халқаро Кенгаши якунларига доир лекция бўлди. Лекцияни Ленин район «Билим» жамиятининг аъзоси В. М. Смирнов ўқиди.

Бундай лекция ва суҳбат кечалари 1-троллейбус депоси, В. И. Ленин номли якка буюртмалар фабрикасида ҳам бўлиб ўтди.

В. И. Ленин—замондошлари хотирасида

Ишчилар механика цехига одатдагидан анча эрта йиғилишди. Улар «В. И. Ленин —ўз замондошлари хотирасида» деган темадаги суҳбатни тинглашга келишганди.

Бу қизиқарли суҳбатни Куйбишев район «Билим» жамиятининг аъзоси М. З. Трапкин ўқиди. У В. И. Ленинни билган, кўрган ва у билан ишлаш шарафига муяссар бўлган кишиларнинг эсдаликларидан мисоллар келтирди.

Экскаватор ремонти заводида ўтказилган бу суҳбатни ишчилар завқланиб тингладилар ва ўзларини қизиқтирган кўпгина саволларга жавоб олдилар.

Саломатлик куни

Чилонзор район «Билим» жамияти район халқ соғлиқни сақлаш бўлими билан ҳамкорликда «Ўзбекистон комсомоли 40 йиллиги» богида «Саломатлик куни» мавзуида халқ сайли ўтказди. Сайлда шифокорлар турли мавзуларда лекция ва суҳбатлар ўтказишди, турли саволларга жавоб беришди.

Сайл иштирокчилари медицина фанининг янгиликлари, янги дори-дармонлар ҳақида ҳам консультациялар олишди.

Савол-жавоб кечалари

Смена тугагач, ёшлар фабрика клубига тўпланишди. Октябрь район «Билим» жамиятининг ташаббуси билан бу ерда «Замон ва ёшлар» мавзусида баҳс кечаси бўлиб ўтди.

Бадиий буюмлар фабрикасининг клубида ўтказилган бу кечада фалсафа фанлари кандидати Хайрулла Абдуллаев кўпгина саволларга жавоб берди.

Район «Билим» жамияти бундай кечаларни Охунбобоев номли шаҳар маданият уйида ҳам ўтказди.

● Ишчи—фахрли ном

ИЛЬИЧ ВАСИЯТЛАРИГА СОДИҚМИЗ

Башариятнинг парлоқ қўёши В. И. Ленин сўзламоқда. Унинг жонли овози зал бўйлаб жаранглайди...

Барча муваффақиятимиз гарови сўнмас йўлчи юлдузимиз, ҳамиша, ҳар бир ишимизда ҳозиру нозир у. Ундан маслаҳат сўраймиз, ундан ўрганамиз, унга тақлид қиламиз. Доҳий орзу қилгандек, ҳар бир вазифани сидқидилдан бажаришга ошиқамиз.

В. И. Ленин меҳнат интизоми, меҳнат самарадорлиги ва уни қандай қилиб амалга ошириш йўллари, хуллас ишчиларнинг фахрли вазифалари ҳақида гапирмоқда...

Дарвоқе, коммунистик меҳнат зарбдорлари район слётига тўпланган кишилар Ленин сўзларидан ғурурланиб, фахрланиб ўтиришибди...

18 июль куни кечқурун Э. Тельман номидаги маданият ва истироҳат боғида Куйбишев районн коммунистик меҳнат зарбдорлари слётига тўпланганлар меҳнатлари сарҳисоби, келгуси режалари ва энг муҳими ёш ишчиларга топшириладиган фахрли вазифалар ҳақида гапиришди.

Экскаватор заводидан К. Носке трикотаж фабрикасидан С. Тошматова, мармар заводидан С. Сайдалиев, консерва заводидан А. Ўлмасова ва бошқа коммунистик меҳнат зарбдорларининг қувончи чексиз. Ахир қувонмай бўладими? Улар Ильич васиятларини амалга оширишда байроқдор, ёшларга намуна.

...Анжуманда район партия комитетининг секретари В. Т. Покутнев меҳнат ветерани пойтахт область йўл қурилиши трести бошқарувчиси С. Д. Коротковга сўз беради. У эса ишчилик фаолиятининг ўтмиш лавҳалари ҳақида фикр юритгандан кейин ўрта авлод вакили «Ташкентказбель» заводидан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Қ. Розиқовга мурожаат қилади.

Қ. Розиқов шон-шараф йўллари тўғрисида мароқ билан сўзлагандан сўнг ёш ишчилар — шаҳар автомобилсозларининг ўн икки вакилига ишчи бўлишдек фахрли эстафетани топширади.

Ёшлар фахрли ишчи номини қасамёд билан қабул қилиб олишади.

Коммунистик меҳнат зарбдорларининг бу шон-шараф кечаси алла-маҳалгача давом этди.

● Шаҳримиз янгиликлари

ЮТУҚЛАР ЕТИБ КЕЛДИ

Шаҳар товар станциясига ҳар куни мамлакатимизнинг турли шаҳарлари ва чет эллардан ҳар хил асбоб-ускуналар, қишлоқ хўжалик машиналари келиб туради.

Кеча келган юклар орасида янгил автомашиналар ҳам бор эди. Бу ҳам шаҳарларимиз Т. Зокиров, С. Солиев, С. Обидов ва Х. Усмоновлар номига ёзилган «Москвич-408» ва «Запорожец» енгил автомашиналари эди. Бу машиналар лотерея билетларига чиққан бахтли ютуғдир.



БУГУНГИ ТОШКЕНТ.
Шаҳримизнинг улкан проспектларидан бири — Навоий кўчаси.

Ирқчиларнинг репрессиялари

ДОРУССАЛОМ. Жанубий Африка Республикасининг ирқчилар ҳукумати ватанпарварларни прогрессив эътиқодлари учун таъқиб этиш ва уларга қутқу солиш кампаниясини давом эттирмоқда. Йоганнесбургдан хабар беришларича, Нобель мукофотининг лауреати марҳум Лутулининг қариндоши доктор Пасиаль Нгакане ирқчилар бебошлигининг навбатдаги қурбони бўлган. Жанубий Африка Республикасининг маъмурлари машъум «коммунистик фаолиятни бостириш тўғрисидаги қонун»га асосланиб, унинг беш йил мобайнида ҳар қандай сиёсий йиғилишларга боришни тақиқлаганлар.

(ТАСС).

Афина хунтасига ёрдам бериш тўхтатилсин!

БОНН. «Демократик тараққиёт ҳаракати» (Ғарбий Германиядаги прогрессив партиялар ва ташкилотлар бирлашмаси) Германия Федератив Республикаси ҳукуматига мурожаат қилиб, Грециядаги фашистлар режимига ҳар қандай ҳарбий ва сиёсий мадад беришни тўхтатишни талаб этди.

«Демократик тараққиёт ҳаракати» бирлашмасининг бу ерда эълон қилган баёнотида, Германия Федератив Республикаси ҳукумати Грецияга сув ости кемалари, вертолётлар ва қурол-яроғ етказиб бериш ниятида эканлиги, «бу қурол-яроғдан грек халқининг демократик ҳаракатини бостириш учун» фойдаланиш эҳтимоли борлиги айтилади. Баёнотда «Германия Федератив Республикаси ҳукумати Грецияга қурол-яроғ етказиб бериш йўли билан у ердаги ҳарбий диктатура режимини мустаҳкамлашга тайёр бўлиб турганлиги» танқид қилинади.

(ТАСС).



Электровоз ва тепловозларда машинист ёрдамчиси вазифаларини қисқартиришга аҳд қилган темир йўл раҳбарларининг ҳаракатига қарши яқинда Японияда оммавий иш ташлашлар бўлиб ўтди. СУРАТДА: иш ташлаган темирйўлчилар.

ЯПС—АПН фотоси.

РИМ ПОЛИЦИЯСИДА ПОРАХЎРЛИК

РИМ. Рим полициясида бир қанча шармандали воқеалар рўй берди. Газеталарнинг хабарида айтилишича, комиссар Анжелло Райноне вазифасидан четлаштирилган ва иши тергов қилинмоқда. Унинг иши полициянинг бир агентини қамаб қўйишга олиб келган тергов билан алоқадордир. Шу агент билан Анжело Райноне сохта ҳужжатларга асосланиб, олиб сотилиб турган ўғирлик автомобилларни сув қилишда айбланмоқда.

Аммо бир қанча бошқа агентлар ва хизматчилар, жумладан полиция комиссарининг ўринбосари Никола Сципе талайгина маълум ташкилотлардан ҳар ойда катта-катта пул олиб туришда айбланиб, бир ойдан бери турмада қамалиб ётибди.

Бундан ташқари бошқа бир қанча порахўрликлар, шу жумладан санъат асарларини ва антика буюмларни махфий равишда сотиш билан алоқадор порахўрликларни тергов қилиш бошланди. Газеталарнинг ёзишига қараганда, ғайри қонуний равишда савдо қилишда гумон қилинаётган ҳар хил антика уринишларни полиция мамурлари чўчитиб, пора олиб туришган. Полиция чиларнинг қимор автоматларидан олаётган даромадлари тўғрисида ҳам матбуотда хабар қилинмоқда.

(ТАСС).

• ПРОПАГАНДИСТ МИНБАРИ

ЖАҲОНШУМУЛ ВОҚЕА

Коммунистик ва ишчи партиялар вакилларининг Кенгашида муҳокама қилинган масалалар барча софдил кишиларни ҳаяжонлантириб келди ва ҳайжонлантирмоқда. Бу масалалар тинчлик ва ижтимоий тараққиёт ишлари учун ғоят катта аҳамиятга молликдир.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежнев Кенгашни очиш вақтида сўзлаган нутқида айтганидек, Кенгаш чақирилганлиги фактининг ўзи коммунистларнинг тинчлик ва ижтимоий тараққиёт тақдири учун ўз зиммаларидаги юксак масъулиятни тушунганликларидан, халқаро ишчилар синфи олдидаги, халқлар олдидаги ўз бурчларини бажаришга қатъий аҳд қилганликларидан далолат беради.

Совет Иттифоқи коммунистларининг ва барча меҳнаткашларининг пролетар интернационализмига садоқатлари Кенгаш давом этиб турган кунларда, айниқса, ёрқин ифодаланди. Ишчилар, колхозчилар, инженер-техник ходимлар Кенгаш номига минг-минглаб табрик хатлари ва телеграммалари юбордилар. Қардош партияларнинг делегацияларини очиқ чеҳра билан қабул қилдилар ҳамда самимият билан табрикладилар. Ўзларининг зарбдор меҳнатлари билан жаҳон меҳнаткашларининг интернационал бирлигини мустаҳкамладилар.

Жаҳон коммунистларининг кенг демократик асосда тайёрланган янги Кенгаши унинг ишида қатнашган барча партиялар куч-ғайратларининг натижасидир. Франция Компартияси Сиёсий бюросининг аъзоси Жорж Марше маъбуот учун берган баёнотида таъкидлаб айтдики, Москвадаги халқаро Кенгашга тайёргарлик кўрувчи комиссиянинг иш натижалари ҳаракатимизнинг катта муваффақиятидир. Аввалда ҳеч қачон қардош партияларнинг халқаро Кенгаши бу қадар демократик асосда тайёрланмаган эди. Қардош партияларнинг матбуоти барча антиимпериалистик кучлар бирлигига душман бўлганларнинг найранглариии фош қилиб, комил ишонч билан ёзди ки, «Москва Кенгаши коммунистик ҳаракат бирлигини мустаҳкамлаш ва жипслаштириш йўлидаги янги муҳим қадам бўлиб қолади» («Хлопска Дороза», Польша Халқ Республикаси).

Кенгашда Асосий ҳужжат тегарагида кенг музокара давом этди, чунки бу ҳужжатда инсониятнинг сўнгги ўн йил мобайнидаги тараққиёти таҳлил қилиб берилган, жаҳон революцион ҳаракатининг ҳамма отрядлари олдида турган бош вазифалар таърифланган эди. Болгария, Венгрия, Бразилия, Ирок, Канада, Америка Кўшма Штатлари компартиялари, Польша Бирлашган ишчи партияси, Германия Бирлашган социалистик партияси, Франция Компартияси ва бошқа кўп қардош партияларнинг вакиллари аввало халқаро Кенгаш чақирилганлигининг ўзи барча антиимпериалистик кучларни бирлаштириш учун ғоят муҳимлигини уқтириб ўтдилар.

Қардош партияларнинг вакиллари барча антиимпериалистик кучларнинг авангарди бўлган халқаро коммунистик ва ишчи партиялари ҳаракатининг бирлашган интернационал фронтини империализмнинг умумий стратегиясига қарама-қарши қўйиш зарурлигини астойдил айтдилар.

КПСС делегациясининг бошлиги Ўртоқ Л. И. Брежнев Кенгаш қатнашчиларига қарата катта нутқ сўзлади. У XX асрнинг 60-йилларидаги капитализмни ҳар томонлама мукаммал ва асосли таҳлил қилиб берди, ҳозирги империализмнинг хусусиятларини ва унинг агрессивлиги кучайганлигининг сабабларини кўрсатди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев коммунистик жамият қуриш учун курашда совет халқининг эришган катта ютуқлари тўғрисида гапирди. Совет кишиларининг бунёдкорлик меҳнати халқларнинг ижтимоий ва миллий озодлик йўлидаги, ер юзида тинчлик ва социализмнинг тантанаси учун олиб бораётган кураши билан бир тан ва бир жондир. Ишчиларнинг, колхозчиларнинг, инженер-техник ходимларнинг, олимларнинг, барча совет кишиларининг иродаси, гайрати, оғир ва идроки беш йиллик топшириқларини ҳамда В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги юбилейи шарафига олинган юксак социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажаришга қаратилмоқда.

Экономикамиз муттасил юксалиб бормоқда. Сўнгги 8 йил ичидагина саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш икки баравардан зиёд ортди, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш эса учдан бир ҳисса кўпайди. Меҳнаткашларнинг реал даромадлари 43 процент ошди.

Бутун Совет мамлакати билан бир қаторда Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ҳам зўр тараққиётга эришди. Унинг саноат ишлаб чиқариши 1924 йилдан то ҳозиргача 85 баравар, яъни пахта ҳосили эса 8 ҳисса ортди. Ўзбекистонда гигант индустриал корхоналар барпо этилди ва этилмоқда. Трактор йигув заводи республиканинг ўзида трактор ишлаб чиқарадиган улкан корхонага айлантирилмоқда. Қишлоқ хўжалик машиналари тайёрлаб чиқарадиган янги завод қуриш мўлжалланди. Чорвоқ ГЭСи қурилмоқда. Ўзбекистонда кўмир ва нефть саноати, енгил саноат, озиқ-овқат саноати ва бошқа саноат тармоқлари янада ривожланади.

Ўтган йили Совет Иттифоқи пахта етиштиришда АҚШдан ўзиб, жаҳонда биринчи ўринга чиқди. Бутун мамлакатда етиштирилаётган пахтанинг 70 процентини бизнинг республикамиз беради.

Совет кишилари ўзларининг ватанпарварлик бурчларини бажарии билан дунёдаги барча революцион кучлар олдидаги муқаддас интернационал бурчларини ҳам бажарган бўладилар. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, совет халқи бундан буён ҳам империализмга қарши кураш ишига қўшадиган ҳиссасини кўпайтириб бораверади. Тинчлик, демократия, миллий мустақиллик ва социализм ишини оғишмай ҳимоя қилади.

Ўртоқ Л. И. Брежнев марксизм-ленинизм асосида жаҳон коммунистик ва ишчи партиялари ҳаракатининг бирлигига эришмоқ учун барча партияларнинг эътиборини «сўл» ва «ўнг» ревизионизмга қарши изчиллик билан кураш олиб боришга, пролетар интернационализмига содиқ бўлишга ҳамда жаҳон революцион процессининг уччала бош отряди, чунончи жаҳон социалистик системаси, халқаро ишчилар ҳаракати ва миллий озодлик курашининг биргалашиб ҳаракат қилиши зарурлигига жалб этди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев ва қардош партияларнинг вакиллари Мао Цзе-дун авантюристик группасининг бузғунчиликларини ҳамда марксизмга қарши, ленинизмга қарши, советларга қарши снёсатини қатъиян қоралашдилар. Улар таъкидладиларки, «ХКП IX съезди» деб аталган съезд марҳумларнинг марксизм-ленинизмдан тамомила юз ўтиргандикларини яна бир марта тасдиқлади ва Хитой Компартиясидаги вазиятни яна кўпроқ чигаллаштирди.

«Кенгаш, — дейилади коммунистик ва ишчи партияларининг халқаро Кенгаши тўғрисидаги Ахборотда, ошкора ва қардошларча бирдамлик вазиятида ўтди ҳамда унинг ишлари ҳақида муфассал ахборот бериб турилди. Кенгашга тайёргарлик кўриш даврида ҳам, Кенгашнинг ўзида ҳам барча партияларнинг тенг ҳуқуқлилиги принципига ва коллектив иш усулларига тўла амал қилинди».

Мана шундайлар ҳамиша коммунистик ва ишчи партияларнинг учинчи халқаро Кенгаши муваффақиятли ва самарали ўтишини таъминлади.

Х. ҚУРБОНОВ,
доцент.



СУРАТДА: «Ташспецстрой» қурилиш бош қармасининг илғор пайвандчилари Эшмурод Жалилов ва Севар Шафигулин ўртоқлар. Улар шу кунларда Високовольт массивида қад кўтараётган 9 қаватли бино қурилишида тер тўкиб меҳнат қилишмоқда.

• ШАҲАР ХЎЖАЛИГИ МАВЗУИДА

Бир қултум сув

Бир ошнам топшириқ билан Республика Қишлоқ қурилиши министрлигига келибди. Учрашиб қолдик.

— Ишинг битдими?

— Ҳа.

— Кел, бир сув ичайлик. Кун иссиқ. Ўзинг ҳам чанқаб тургандирсан.

Розилик билдирди. Биз ана шу министрлик ёнидаги автоматдан сув ичмоқчи бўлдик. Бу ерга қўйилган икки автоматнинг бирига уч тийин ташлаган эдик, бир мунча вақт ўтиб қуруқ сув қуйилди. Яна уч тийин ташладик. Тағин боягидек сув қуйилди.

У ердан Революция хиёбонига бориб, қурант ёнига ўрнатилган автоматлар олдига келдик. Стаканни ювиб, энди уч тийин ташлаймиз деб турсак, автомат ўзидан-ўзи бир стакан сиропли сув қуйиб юборди. Шундан кейин яна уч тийин ташлаган эдик, автомат миқ этмай тураверди.

—Ана холос,— деди ошнам. — Автоматинглар ҳохласа пулсиз, ҳохламаса пулга ҳам сув бермас экан-да!

Санъат саройи олдига бордик. Бу ерда сақизита автомат турибди. Улардан ҳам етарли эмас. Борининг ҳам ярми ишга яроқсиз.

Сув автоматлари ва пул майдалагичлар устидан назорат қилиб туриш учун 50 та механик ажратилган. Аммо улар кўнгилдагидек иш олиб бормаётганга ўхшайдилар. Шундай бўлмаса, 250 автомат чанг босиб ётармиди?!

«Сув босими йўқ» баҳонаси билан Чилонзорнинг кўпгина квартталарида Сергели, Янгиобод, Бешқайрогоч, Қорақамиш, Шимолий-Шарқ микрорайонларида сув автоматлари ўрнатилмаган.

Сув автоматларидан кўриладиган фойда катта суммаларни ташкил қилади. Масалан, бу йил 376 минг сўм даромад олиш мўлжалланмоқда.

Ёзнинг айни иссиқ кунларида сув автоматлари билан бирга минерал сув, ширин ичимликларга янада талаб ошади.

Ҳозир шаҳримизда ана шу ширин ичимликлар жуда кам. Масалан, шаҳримизда бир кунда Тошкент минерал сувидан 15—20 минг, лимонад эса уч минг шиша сотилади. Бу шаҳримизда яшаётган бир ярим миллион аҳолига яқин эканлигини жуда оз, албатта! Ваҳоланки, бизда минерал сувлар ва ширин ичимликлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш имкониятлари беҳисоб. Бу пардан бири 3 пиво заводни ана шундай ичимликларни кўплаб ишлаб чиқаришга мослаш керак. Бу янги гап эмас. Бу ҳақда бир неча йилдан бери гапирилади. Ҳозиргача бу соҳада амалда бирор иш қилинганини йўқ. 80 минг аҳолиси бўлган Олмалиқ шаҳрида минерал сувлар, ширин ичимликлар ишлаб чиқариладиган махсус завод бор. Нега энди Тошкентдек катта шаҳарда ана шундек завод йўқ? Ваҳоланки, ҳозир Тошкент суви ва лимонадларни Олмалиқ, Чирчиқ шаҳарлари ва Юқори Чирчиқ районидан олиб келинмоқда.

Саратоннинг иссиғида минерал сув ва ширин ичимликлар билан бирга қимиз ва айрон каби ичимликларнинг фойдаси ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Шаҳримиздаги сут комбинатида ўтган йили қимиз ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳақида кўп гапирилди. Қимиз ишлаб чиқариладиган участка ҳам қуриладиган бўлди. Аммо ҳалигача қимиздан дарак йўқ. Ҳозирги кунда комбинат ярим литрли шиша идиш ларда айрон ишлаб чиқаряпти. Нега энди ана шу айронни муздек ҳолида квас ва пиво цистерналарида сотиш мумкин эмас?

Тошкент темир йўл станцияси ичимлар таъминоти бўлимининг талаббусини маъқуллаш керак. Бу коллектив ҳар куни вокзал олди майдонида ўзи тайёрлаган Морс ичимлигини сотади. Морс жуда салкин ичимлик бўлиши билан бирга, мазали ҳамдир. Кўплаб Морс ишлаб чиқариш йўлга қўйилса, айни муддао бўларди.

Яна бир наоса диққатни ўзига жалб қилади. Шаҳримизда коктейль, мороженое, қаҳвахона ва бошқа павильонлар бор. Муздек квас, айрон, қимиз, Морс каби ичимликларни мириқиб ичадиган, ўтириб баҳра оладиган павильонлар йўқ. Ана шундай павильонлар барпо этса бўлмасмикин? Ахир, бу ҳақда бир неча йиллардан бери гапирилиб келинади-ку!

Э. ҚОДИРОВ.

ҚУРУВЧИ СТУДЕНТЛАР

Қуёш нури оламга бир текис таралган. Ҳарорат баланд бўлишига ҳам қарамай қурилиш майдонида иш давом этяпти. Объектда бизни 7-трест 2-қурилиш бошқармасига қарашли 2-участка бошлиғи Лобода илиқ қарши олди.

— Ишимиз чакки эмас, — дейди у, — бизга ёрдамга студент укалар келиб яхши иш қилди. Улар ҳозир улкан иморатлар учун пойдевор кўтармоқдалар. Ана у 4 қаватли бино ҳам, мана бунисн ҳам ишчилар учун ётоқхона бўлади.

Ҳа, Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти студентлари шу кунларда Қўйлиқ-1 массивини янада гўзаллаштиришда ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Улар кўп қаватли бинолар барпо этяптилар. Массивда институтнинг табиият-география, тарих ва физика факультетларидан 150 га яқин студент жонбозлик кўрсатиб ишлаяпти.

Улуғбек Ҳамдамов бошчилик қилаётган бригада аъзолари кунлик нормаларини 110-115 процент адо этмоқдалар. Усмон Ҳафизов, Ғани Набиев, Алижон Дадамирзаев, Азамат Ражапов каби шижоаткор студентлар ўз ўртоқларига намуна кўрсатиб ишламоқдалар.

Х. ҲАБИБУЛЛАЕВ,
Ш. ТОЖИЕВ,
Пединститут студентлари.



ТОШКЕНТ. Тез суръатлар билан қурилиб, фойдаланишга топширилаётган кўп қаватли муҳта шам бинолар Чилонзор районининг ҳуснига ҳусн қўшмоқда.
СУРАТДА: районнинг 25-кварталидаги янги уйлар.

ПЛАНЕТАМИЗ ЯНГИЛИКЛАРИ

ПОЛЬША САНОАТ ВИСТАВКАСИДА

«Польша Халқ Республикасининг 25 йиллиги» виставкасидаги 26 минг экспонат орасида озиқ-овқат ва қанд саноати машина ускуналари каттагина ўрин эгаллади. Польша озиқ-овқат товарларини экспорт қилувчи йирик мамлакатдир.

Ҳозир Польшада 31 завод машина-ускуналар тайёрлаш билан шуғулланмоқда. Польша корхоналарининг программаси: ўшт. озиқ-овқат, сут, қатиқ, уи, балиқ, сабзавот, мева ва бошқа тармоқлар учун икки минг хилдан ошиқ номдаги машиналар ва ускуналар ишлаб чиқарилишини кўзда тутади.

Тайёрланаётган машиналарнинг салкам 40 процентн турли мамлакатларга, шу жумладан СССР, Болгария, Венгрия, ВДР, Чехословакия, АҚШ, Францияга чиқариб сотилмоқда. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи бутун-бутун заводлар ҳам четга чиқариб сотилмоқда.

Узаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши доирасида халқ Польшаси қанд заводлари учун машина-ускуналар ишлаб чиқариш соҳасида ихтисослашмоқда. Совет Иттифоқи асосий буюртмачилардан ҳисобланади. Сўнгги вақтларда ПХР СССРга 18 қанд заводи, Европа, Осиё ва Африка мамлакатларига 38 қанд заводи етказиб берди. Яқин йиллар ичида Совет Иттифоқи 30 дан ошиқ батамом автоматлаштирилган юқори унумли қанд корхоналари жўнатди.

◆ Чет эллик ёшлар ҳаётидан

Канада комсомоллари бирлашмоқда

ОТТАВА. (ТАСС). Канаданинг энг йирик шаҳри Торонтода Коммунистик ёшлар ташкилоти тузилди. Коммунистик ёшлар ташкилоти демократик централизм принципи асосида қурилади. Ташкилот аъзолари марксизм-ленинизм назариясини ўрганадилар. Ташкилотнинг асосий вазифаларидан бири — ёшларнинг энг муҳим эҳтиёжлари ва ҳуқуқлари учун курашдир.

Иттифоқни тузувчи ташаббускор комитет Торонтода «Янг коммьюнист» («Ёш коммунист») бюллетенини чиқара бошлади.

Ўқувчилар манфаатини кўзлаб

ЖАЗОИР. (ТАСС). Бу ерда мамлакатдаги мактаблар бош инспекторларининг кенгаши тамом бўлди.

Кенгаш қатнашчилари бошланғич ва ўрта таълим системасида ўтган ўқув йилига якун ясадилар ва республикада мактаб таълимини янада ривожлантириш истиқболларини муҳокама қилдилар. Янги ўқув йилида жазоирлик 1,8 миллион бола, яъни ўқиш ёшидаги болаларнинг деярлик ҳаммаси бошланғич мактабларда ўқий бошлайди. Уларнинг сони ўтган йилдагига нисбатан 200 минг кишига ортади.

ХОР — ЮБИЛЯР

СОФИЯ. (АПН — БТА) Пойтахт университетидаги эндиликда мамлакатда энг оммалашган академик хорга асос солинганлигига 35 йил бўлди. У Григорий Дмитров номи билан юритилади. Ўтган йиллар мобайнида хорда кейинчалик инженер, врач, филолог, юрист бўлган жами 2,5 минг одам қатнашди. Собиқ хорчилар — эндиликда донг таратган опера қўшиқчиларидир. София студентлар хори кўпгина халқаро конкурси ва фестивалар лауреатидир. Унга асос солингандан бери таниқли дирижёр Асен Манолов мунтазам раҳбарлик қилиб келяпти. Коллектив ҳар йили программасини бутунлай ўзгартириб, унга дунё классклари ва ҳозирги замон бастакорларининг энг яхши асарларини киритадилар.



КОРЕЯ ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ. Пхеньяннинг марказидаги янги микрорайонлардан бири.

ИТАЛИЯНИНГ АҲОЛИСИ

РИМ. Миллий статистика институтининг маълумотига кўра шу йилнинг март ойида Италия аҳолиси 54 миллион 33 минг кишига етди.

Сўнгги йилларда мамлакат аҳолиси фақат ўртача умрнинг узайиши ҳисобига кўпайди, чунки туғилиш қисқармоқда. 1964 йилдан 1968 йилгача туғилиш минг киши ҳисобига 19,5 кишидан 17.3 кишига қадар қисқарди. Никоҳ сони ҳам қисқарди.

КЕНИЯ КУТУБХОНАСИГА СОВҒА

НАЙРОБИ. Кения миллий кутубхоналар бошқармасининг директори Тоуед бу ерда қуйидагиларни айтди: Кения ривожланиб бораётган мамлакатдир. Мутахассисларимизнинг Совет Иттифоқидаги иқтисодий тараққиёт тажрибаси билан, унинг фан ва техника соҳасидаги жуда катта муваффақиятлари билан танишиб чиқиши, шубҳасиз, ижобий роль ўйнайди.

Тоуед совет китоблари кутубхонасини СССРнинг Кениядаги элчихонасидан совға қилиб қабул этиш вақтида нутқ сўзлаган эди. Бу китоблар орасида В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига бағишланган асарлар, совет олимларининг қишлоқ хўжалигига доир китоблари, техника ва медицина соҳасига тааллуқли асарлар, жами 200 дан ортиқ китоб бор. (ТАСС).

Социализм мамлакатларида

ПОЛЬША

ВАРШАВА. (ТАСС). Халқ Польшасининг 25 йиллиги шарафига ўтказилаётган мусобақанинг ташаббускори «Варшава» металлургия заводининг 8 минг кишилик коллективи ўз мажбуриятларини шараф билан бажармоқда. Юбилей йили учун олинган мажбуриятларнинг 70 процентидан кўпроғи бажарилди. Пландан ташқари 3000 тоннадан кўп сифатли пўлат ишлаб чиқарилди. Прокат ишлаб чиқариш юзасидан йиллик мажбурият 85 процент бажарилди.

Варшава металлургларининг даъватига қўшилган неча юзлаб саноат корхоналарининг коллективлари шу кунларда меҳнат вахтасида ишламоқда. Байрам олди мажбуриятлари бажарилаётганлиги тўғрисида мамлакатнинг ҳамма қисмидан рапортлар келиб турибди.

Лодздаги 64 та енгил саноат корхонаси юбилей йилига планга қўшимча равишда 2 миллион 800 минг метрдан кўпроқ газлама ва кўп миқдорда кийим-кечак ишлаб чиқаради.

ЮГОСЛАВИЯ

БЕЛГРАД. (ТАСС). СССР заказига мувофиқ қурилган докларни шатакка олувчи катта буксирлар Югославиянинг кемасозлик маркази Трогирдан Қора денгиздаги Ильичевск портига қараб йўл олди.

85 минг тоннага яқин юк ортувчи кемалар докка ўрнатилиши мумкин. Док замонавий машина-ускуналар билан таъминланган бўлиб, ўз электр станциясига эга.

Бу — Трогирда Совет Иттифоқи учун қурилаётган тўрт доктнинг иккинчисидир.

МОНГОЛИЯ

УЛАН-БАТОР. (ТАСС). Монголиянинг давлат хўжаликлари ва қишлоқ хўжалик бирлашмалари энг муҳим қишлоқ хўжалик компанияси бўлмиш пичан ўримига киришдилар. Чорвачилик маҳсулдорлигини ошириш бу кампаниянинг муваффақиятли ўтказилишига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Бу йил 680 минг тоннадан кўпроқ пичан тайёрланади. Бу эса ўтган йилдагидан қарийб 40 процент ортиқдир. Юқори унумли қишлоқ хўжалик машиналаридан кенг кўламда фойдаланиш пичан ўримига катта ёрдам бермоқда.

Деҳқонлар ва чорвадорлар бу йил бошқа озуқа экинлар — макажўхори, қанд лавлаги, нўхат ва сули тайёрлашни ҳам анча кўпайтирадилар.



Японияниинг Окинава оролидаги Америка ҳарбий базаларига хизмат кўрсатаётган ишчилардан 40 минг киши иш ташлади.
СУРАТДА: Окинавадаги АҚШ ҳарбий базаларининг бирида забастовкачилар пикетини тарқатиш. **ЯПС — АПН фотоси.**

Адабиёт ва санъат

«В. И. Ленин Ўрта Осиё ва Қозоғистон тўғрисида»

Бу китобни «Ўзбекистон» нашриёти чиқарган бўлиб, унга В.И. Ленинниг энг муҳим асарлари киритилган. Доҳий бу асарларида партиянинг миллий масалага оид программа ва сиёсатини назарий жиҳатдан ҳар томонлама асослаб беради, барча турдаги оппортунистлар, ревизионистлар ва миллатчиларнинг бу масаладаги қарашларини қаттиқ танқид қилади.

Ленин ўзининг асарларида жаҳон тарихи тараққиётида Шарқ халқларининг ролини, ишчилар синфининг капитализмни ағдариб ташлаш ва социализм тантанаси учун олиб борган курашида уларнинг аҳамиятини чуқур, ҳар томонлама текширди ва илмий жиҳатдан асослаб берди.

В. И. Ленин Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларининг тарихий тақдирига катта эътибор берди. Унинг буюк, ғоялиб ғоялари Коммунистик партиянинг чор Россиясидаги эзилган халқларни пролетар интернационализми байроғи остида жипслаштириш учун, социалистик революциянинг ғалабаси учун курашида йўлчи юлдуз бўлди.

«В. И. Ленин Ўрта Осиё ва Қозоғистон» тўғрисида» деган китобни ўқиб чиққан ҳар бир киши бунга ишонч ҳосил қилади.

Китоблар оламида

ҒАФУР ҒУЛОМ АСАРЛАРИ УРДУ ТИЛИДА

Ғафур Ғулом номли Тошкент бадиий адабиёт нашриёти Ғафур Ғуломнинг урду тилидаги шеърлар тўпламини босмадан чиқаради. Тўплам «Армуғони Тошқанд» деб аталади.

Тўплам шоирнинг «Вақт» шеъри билан очилади. Китобда Ғ. Ғуломнинг «Ассалом», «Давот», «Жамила», «Алишер Навоий» «Шарқнома», «Аму», «Сув ва нур», «Анор», «Моҳигул» каби қатор шеърлари бор. Китобга урдушунос олим Қамар Раис сўзбоши битган. Китобдаги шеърларни ҳам Қамар Раис таржима қилган.

РУБОИЙЛАР

Ақл мисли осмон, севгидир офтоб.
Ақл биллур қадаҳ, ишқ унда шароб,
Умр йўлин достон этганда ақл,
Ишқ бу қиссадаги энг шоҳона боб.

Яқинда «Ёш гвардия» нашриёти нашрдан чиқарган Шоислом Шомуҳамедовнинг «Рубоийлар» тўпламига шу рубоий билан бошланади. Шоирнинг бу китобидан «Бирдан қанот касб этса юрак», «Бир томчи дарёга ютилиб кетди», «Битта ток зангида турли бош узум, «Гуллар латофати — ёшликдир. ёшлик» каби 86 та рубоий ўрин олган.

Шоир бу рубоийларда ақлнинг қудрати, билимли кишининг хосияти, инсон юрагининг оташ тўлқини, кишиларимиз ўртасидаги дўстлик, одамийлик ҳақида ҳикоя қилади.

Т. ИСМОИЛОВ.

ПОЭМА ҲАҚИДА РИСОЛА

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг Бирлашган нашриёти яқинда Ў. Муҳиддиновнинг «Поэма ҳақида ўйлар» номли рисоласини чоп этди. Рисола поэма ҳақида, унинг ўзига хос хусусиятлари борасида баҳс юритади. Рисоладан ўрин олган «Поэмачиликдаги тенденциялар», «Бадиий ижод тарихидан», «Поэма ва саҳна асари» бўлимлари шу жанр соҳасида қўлга киритилган ютуқлардир.

Китоб кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

А. НУРБОБОЕВ.

ХАЁЛ СУРГАН ҚИЗ

Учоқ бошида
ёлғиз,
Хўрсинар-ди дўндиқ қиз,
Кўзидан тўкиб
юлдуз,
Жимгина кўл
титади.
Боягн алангадан
Қолган чўғини
янгидан
Қилмоқчими у
гулхан?!
Нени умид этади?..
Ҳа, аёнмас бизга,
қиз —
Кулдан нима
излайди.
...Балки, кул босган
чўғининг
Алангасин эслайди.

Абдулла ШЕР

ТЎРТЛИКЛАР

Бир лов этиб
ёнди гугурт чўпи,
Зум ўтмасдан
ўчди у, бироқ —
Оловлиги умр
боқий бўп,
Уйни ёруғ
айлади чироқ.

* * *

Кулардим парвона
ҳолидан
Жисмини куйдирса
чироқда
О, билсам бир лаҳза
соз экан —
Бир умр ёнгандан
фироқда

Абдусалом УМАРОВ.

Экран янгиликлари

«ЮЛДУЗЛАР ОСТИДА»

Сценарий автори Михня Георгиу, режиссёри Маноле Маркус бўлган бу фильмни «Бухарест» (Румыния) киностудияси тайёрлаган.

Қора денгиз бўйига жойлашган қишлоқлардан бирида ҳосил байрамига қизғин тайёргарлик кетмоқда. Ёш-яланглар рақс тушишар, қўшиқ куйлашар, «маъбуда Афродита» ва «денгиз худоси Нептун»ларнинг монологини ёд олишарди.

Ҳаваскор артистлар саҳналаштираётган қадимги грек трагедияси нимаси биландир қишлоқдаги икки оила ҳаётига ўхшаб кетарди.

Дита ва Дионислар анчадан бери бир-бирларини севардилар. Улардан бахтли, қувноқ киши йўқ: бугун, қишлоқ узра оқшом қўнганда уларнинг тўйи. Қишлоқ аҳли бу шодиёнага кўмаклашар, икки ёшга бахт, фаровон турмуш тиларди.

Тўй муносабати билан касалхонанинг бош врачи Дитанинг онаси Сабинага эртароқ жавоб беради. Лекин аёл қизини бахт эшигига, янги ҳаёт бўсағасига узатишга шошилмасди.

Мана ҳозир, шундай тантанада Сабина аччиқ ҳақиқатни Дионис Лут билан Мидиянинг ўғли эканлигини очиб ташлайди. Улар Дита олдида ҳақиқатни тан олишга мажбур бўладилар.

Саҳнада Дита ва Дионис. Фожиадан хабардор бўлган қизнинг тили калимага келмасди. Қиз қочиб кетади. Дионис уни денгиз бўйидан топади. Ҳаётнинг аччиқ қисматига учраган севишганлар бир-бирларидан ажрала олмай денгиз қаърига йўл оладилар...



Республика ёш томошабинлар театри В. Катаевнинг «Жуфт севги» пьесасини саҳналаштириб, томошабинларга ҳавола этди. Спектакль ёшларимиз, замондошларимиз ҳақида, уларнинг иш ва покиза муҳаббатлари ҳақида ҳикоя қилади.

СУРАТДА: шу спектаклдан бир кўринш.

И. Глауберзон фотоси.

ҚОРА ДЕНГИЗ ИЛҲОМЛАРИ

ЛЕНИН ЯЛТАДА

«...Денгизни, унинг доимий серҳаракатлигини, поёнсиз кенглигини жуда севарди...»

Н. К. КРУПСКАЯ.

(«Ленин ҳақидаги хотиралар»дан).

Ялтада, денгизнинг худди лабида
Хаёлга чўмганча туради доҳи.
Денгиздек теран ҳис жўшиб қалбида,
Уфқларда кезар нурли нигоҳи.
Ана, кўз ўнгида ястанар кафтдай
Монанди топилмас сеҳрли макон.
Юзларга урилиб оромбахш тафти —
Бетиним мавж урар ложувард уммон.
Сирли шивирлашар, хурмолар саф-саф
Сарвлар қаддида парилар рақси.
Гўё ёш келинни ёт кўздан сақлаб,
Теграсида тоғлар — туну кун соқчи.

Бу ажиб гўзаллик этган каби ром,
Доҳи кўзларини узмай боқади.
Тўлқинга тўш уриб билмайин ором
Оққушлар бетиним қанот қоқади.

Денгизни севарди сизу биз каби,
Сайру саёҳатга ўч эди, аммо —
Кўп насиб этмади денгизлар лаби,
Курашлар мавжида суздн доимо.
Денгизнинг қутурган бўрони нима?

Синфий довулларда бўлди у дарға.
Зулматни енгди у бошқарган кема,
Порлоқ соҳилларга бошлади олға.
Фақат Қишликданмас, Ёзликлардан
ҳам

Қувилди батамом князлар, хонлар.
Ленин декретила дам олар ҳуррам,
Собиқ саройларда ишчи-деҳқонлар.
Ҳордиқ масканидир ҳар бир гулшан,
боғ,

Алушта, Алупка, Гурзуфу Артек.
Бундай мўъжизага бўлиб гунг гувоҳ —
Ай-Петри ҳайратдан бошин эгмиш тек.
Қирғоқда янграйди қўшиқ ва кулгу,
Доҳий ҳузур билан тинглайди мамнун.
Бу бахт, бу фарогат мангудир, мангу,
Қанча қурбон бердик бу ҳаёт учун.

... Ялтада, денгизнинг худди лабида,
Мармар супа узра туради доҳи.
Бир олам эзгу ҳис унинг қалбида,
Уфқларда кезар нурли нигоҳи...

М. ҲУДОЙҚУЛОВ.



Алишер Навоий номидаги Катта Академик театр коллективи Москвада ўзининг гастролини бошлаб юборди.

СУРАТДА: «Қирқ қиз» балетидан қўриниш.

М. Нурмаҳмонов фотоси.

Иван КОСТЮКОВ

ДЎСТИМСАНКУ!

ҲАЖВИЙ ҲИКОЯЛАР

Бир куни эски дўстим Пётр Шарановни кўриб қолдим. У қайсидир институтнинг директори эди.

Ҳол-аҳвол сўрашгач, ўғлимдан гап очдим.

— Ўғлим сизнинг институтингизда ўқийди, биласизми?

— Нечанчи курсда? — ҳайрон бўлиб сўради у.

— Тўртинчида!

— Ҳа-а. Бўлди, эсладим. Таниш фамилия эшитилардия. Афсуски суриштирмаган эканман. Чўчима, ўғлинг яхши бола, ўқишлари ҳам яхши. Кўп тиришқоқ бола.

Шундай деб туриб тўсатдан ранги ўзгариб кетди дўстимнинг.

— Ахир сен дўстимсан. Бу ишинг дўстликданми?! Қўй-э...

—Қайси ишим?—тажжубланиб сўрадим.

— Қайси бўларди, ўғлинг институтга кираётганда нега менга учрашмадинг. Ахир ўзим киритиб қўярдимку.

— Ўзи ҳам кирди-ку.

— Ўзи-ўзи! Нима, мен кирита олмасмидим? Ёки бегонаманми? Қайси бир бегоналарни киритиб қўяман. Яхшиликларим ҳавога учяпти. Сен ўз дўстимсанку! Йўқ-йўқ, бу дўстнинг иши эмас!

Русчадан Х. Дўстмуҳамедов таржималари.

Юрий ЛЕОНОВ.

ҚЎНҒИРОҚ ҚИЛИНГ

Секингина қабулхонага кириб олдимда, секретарь қизга қарадим. У хонанинг тўрида ўтирар, олдидаги столда эса ярим доира шаклида бир-нечта телефон турарди. Уларнинг бири оқ, бири кўк, бошқаси қизил ва ҳоказо. Қиз томон бир қадам қўйдим ва бошлиқни сўрадим.

— Кечирасиз, Пётр Михайлович борми... Шу пайт бирдан телефон жиринглаб қолди. Секретарь қандайдир инстинкт билан трубкани олди.

— Алло. Пётр Михайлович ҳозиргина чиқиб кетдилар.

Қиз трубкани қўйиши билан қора телефон жангиллаб қолди. У трубкани кўтарди.

— Алло! Пётр Михайлович муҳим доклад тайёрлаяптилар!

Қиз трубкани қўяр-қўймас кўк телефон жиринглади.

— Яхшилаб эшитинг! Пётр Михайлович келмадилар!

Уз навбатида бошқа телефонга жавоб берди қиз: «Пётр Михайлович бир соатдан сўнг келадилар!»

Секретарь қиз пешонасидаги терни артиб, стакандаги сувдан бир ҳўплаб «сакраб-сакраб» тушаётган қизил трубкани кўтарди.

— Пётр Михайлович узоқ командировкага кетганлар, тушундингизми!

—Ниҳоят ҳамма телефонга бир сидра жавоб қайтарилди. Шундан сўнггина қиз менга қаради.

— Сизга нима керак?!

— Мен Пётр Михайловичнинг қаердагидигини билмоқчи эдим, — Қўрқанимдан секингина сўрадим.

— Яхши йигит, аниғини билмоқчи бўлсангиз, телефон орқали сўранг, билиб оласиз.

Ҳайронлигимдан гаранг бўлиб хонадан чиқар эканман, қайсидир телефон жаҳл билан жиринглади.

● Эрнест Хемингуэй туғилган кунга 70 йил тўлди

Ҳаққоният куйчиси

«Одамни ўлдириш мумкин, лекин енгиб бўлмайди!»

Бу сўзларни машҳур Америка ёзувчиси Хемингуэйнинг қаҳрамонларидан бири — балиқчи чол Сантьяго айтади. Лекин бу ибора фақат ўша балиқчининг шиори эмас. Бу шиор Хемингуэйнинг ўзи учун ҳам, барча энг яхши асарларининг қаҳрамонлари учун ҳам байроқ бўлиб қолди десак муболаға бўлмайди. Улар, курашларда чиниқиб кетган, ҳаёт машаққатларини кўраверіб тобланган одамлар энг оғир дамда — ўлим билан юзма-юз келганида ғалаба қозонадилар. Ёзувчи ўз қаҳрамонларини кўпинча ўлимга рўпара қилиши бежиз эмас. Негаки, ҳар бир одамнинг энг нозик қирралари худди шу пайтда ярқ этиб кўзга ташланади.

Эрнестнинг ўзи ҳам ҳаётида кўп марта ўлимга рўпара келди. Италия-Австрия урушида 237 еридан яраланди, контузия бўлди. Бир неча бор самолёт ҳалокатига йўлиқди, кўр бўлиб қолди. Торреролик қилиб буқалар билан олишди. Арслон овида ўлим билан юзма-юз келди. Лекин ҳар сафар одамлар ўртасида, матбуотда унинг ҳалокати тўғрисида хабар чиққанидан кейин, яна ҳеч нима кўрмаганидек соғайиб кетаверди.

«Чол ва денгиз» қиссаси, «Мағлуб этилмас», «Фржёнс Макомбернинг бир лаҳзалик бахти» ҳикоялари, ниҳоят машҳур «Алвидо қурол» романининг қаҳрамонлари ҳам шунга ўхшаш қисматга йўлиқади.

Асарларининг қаҳрамонлари каби Эрнестнинг ўзи ҳам табиатан мардликни, адолатни, ҳақиқатни севар, ёқтирар эди.

Чикаго яқинидаги Оук-Парк шаҳарчасида докторлик қилувчи отаси Эрнест ёшлигидаёқ унинг қалбида ана шундай туйғу уйғотди. У ўғлининг спортчи бўлишини истар эди. Ота адашмади. Эрнест спортнинг деярли ҳамма турларини ўрганди. Тиниб-тинчимас йигит бўлиб етишди. Бу хислат уни ҳаётнинг энг жўшқин нуқталарига жалб қиларди. Ниҳоят 19 яшар йигит Италия-Австрия урушига кўнгилли бўлиб йўл олди.

Орадан кўп ўтмай бўлажак ёзувчи ҳаётнинг аччиқ бир ҳақиқатини ўз танида чуқур ҳис қилди. Бойлик орттириш учун қилинадиган уруш инсоният учун энг мудҳиш нарса эканини тушунди. Шундан бошлаб у урушга нафрат билан қарайдиган бўлди. Бўлажак ёзувчи урушда энг яхши одамлар ҳалок бўлаётганини, ўша одамлар қуролни худди ўзига ўхшаш бошқа оддий кишиларга эмас, урушни бошлаб қўйиб. бундан лаззат олаётганларга қарши қаратиши керак деб ёзди. Шундан бошлаб уруш мавзуи Хемингуэй учун асосий мавзу бўлиб қолди.

Хемингуэй «ёзишни билиш учун ҳаётни билиш керак» деганида тамомила ҳақли эди. У ёзувчи бўлишдан илгари ҳаётнинг кўп кўчаларига кириб чиқди. Газетада репортер, сўнгра оператор бўлиб ишлади. Жанг қилди. Овчилик билан шуғулланди. Бокс, балиқ ови бўйича спорт мастери бўлди.

Хемингуэй, чинакам ёзувчи бўлиш машаққатини чуқур ҳис этарди. «Шундай ёзиш керакки, сен қаламга олган нарсе илгари ҳеч ким ёзмаган бўлсин. Агар бирор ёзган мавзуга қўл урсанг, ундан ошириб ёзишинг керак» дер эди у.

Чиндан ҳам Хемингуэйнинг кўп асарлари жаҳон адабиёти ҳазинасига бебаҳо ҳисса бўлиб қўшилди. Булар орасида ёзувчининг «Алвидо қурол» романи алоҳида ўрин тутади. Роман адолатсиз урушга нисбатан чексиз нафрат билан суғорилган. Асар икки планда олиб борилади. Биринчиси даҳшатларидан жирканиш, иккинчиси муҳаббат. Лейтенант Генри атрофида қон, ўлим даҳшатлари тантана қилиб турган чоғида ҳам ҳамшира қиз Кэтрингга бўлган чексиз севгисини гулдек авайлаб сақлаб қолади У Кэтрининг эркаклик ҳисларига — мардона севади. Бора-бора ўзи қатнашаётган уруш ғоят бемаъни адолатсиз нарса эканини ҳис этади. Курол билан абадий видолашиб, урушдан қочади. Энди у қалбида анча енгиллик ҳис қилади. Эртанги одимга умид билан қарай бошлайди. Аммо орадан кўп ўтмай бошига яна кулфат тушади. Севгилиси Кэтрин туғолмай ўлади. Энди Генриннинг бутун умидлари пучга чиқади. Булар нинг барчасига уруш сабабчи эканини яна бир бор ҳис қилади. Асарда «адашган авлод — ўз умрини бехуда урушларда ўтказган авлоднинг аччиқ қисмати ёрқин бўёқларда тасвир этилган.

«Фиеста» романида, бошқа қатор ҳикояларида ҳам Хемингуэй уруш даҳшатларини тасвир этади. Бу мавзу унинг ижодида қизил ип бўлиб, бир асаридан иккинчи асарига кўчар эди.

«Алвидо, қурол»дан кейин Хемингуэй бир неча йил қаттиқ изтиробда юрди: ижодий маҳсулсизлик касали уни эзиб ташлади. У ёзолмас эди. Бунга сабаб эса ўзи яшаб турган жамиятнинг мураккабликлари эди. «Климанжаро қорлари» асарида бу ҳолат ғоят ростгўйлик билан акс эттирилган,.

Хемингуэйнинг ҳалокатидан илгари ҳам унинг асарлари жаҳоннинг кўпгина тилларига таржима қилинган, у жаҳоншумул ёзувчига айланиб кетган эди. Ҳозир унинг номи Марк, Твен, Теодор Драйзер. Джек Лондонлар каби ёзув асримизнинг энг забардаст адиблари қаторида барчага танилли бўлиб кетган.

«Тушдан кейинги ўлим» китобидан

Чинакам санъаткор, буюк маҳорат эгаси пайдо бўлиши биланоқ, санъатда ўзига қадар яратилган ва рўёб этилган барча кашфиётларни муассамлантиради, ғоят тезлик билан ўзига керакли нарсаларни олиб қолади, керакмасларини ташлаб юборади, гўё у туғилишиданоқ бутун билимлар билан қуролланиб олгандек туюлади. Негаки, инсон бу қадар тез доно бўлиб қолиши мушкул. Оддий одам шунчалик зукколикка эришмоғи учун бутун умрини сарфлаши керак бўлур эди. Шундан сўнг буюк санъаткор илгари бунёд қилинган ва рўёбга чиқарилган барча кашфиётлардан ўзиб, илгарилаб кетади ҳамда ўзининг нарсаларини, янги нарсаларини яратади.

* * *

Ёзувчи роман ёзар экан, адабий персонажлар эмас, тирик одамларни яратмоғи керак. Персонаж деганн —карикатура деганн. Агар ёзувчи уларни тирик одамлар бўлиб яшашига мажбур этишга муяссар бўлса, балки унинг китобида айтарлик машҳур қаҳрамонлар мавжуд ҳам бўлмас, лекин унинг романи яхлит, бир бутун китоб бўлиб қолади. Агар ёзувчи яратган одамлар кекса санъаткорлар ҳақида, музика ҳақида, тасвирий санъат ҳақида, адабиёт ёки фан ҳақида гапирадиган одамлар бўлса, романда ҳам шу нарсаларни гапираверсин. Мабодо улар бу нарсаларни гапиришга қодир бўлмаса-ю, ёзувчи бу ҳақда гапиришга мажбур этса, демак у ёлғончи бўлади. Агар ёзувчи ўзининг кўп нарсадан бохабарлигини кўрсатиб қўйиш учун бу ҳақда ўзи гапирса, демак у мақтанчоқ.

* * *

Агар ёзувчи ўзи нима ҳақида ёзаётганини яхши билса, билган нарсаларининг қўпини ташлаб кетади ва у ростгўйлик билан ёзса ўқувчи, ёзувчи ташлаб кетган ўринларни ҳудди улар мавжуддек чуқур ҳис қила олади. Сузиб кетаётган муз тоғининг бутун қудрати шундаки, унинг саккизидан бир бўлагигина сувдан чиқиб туради холос. Лекин ўзи билмагани учун асарининг кўп жойларини ташлаб кетадиган ёзувчи, ўша жойларини очиқдан-очиқ қолдиради. Уз ишига енгилтаклик билан қараб ўқувчига ўзининг билимдонлиги, маданиятлилиги ва изланувчанлигини кўрсатиб қўйишга уринадиган ёзувчи нари борса тўтиқушдан фарқ қилмайди.

СУВОРИЙ

Чу, тулпорим, ҳали олдинда
Чорлагувчи олис йўллар бор,
Кўзлари тўрт эшик олдида
Кутар балки қора кўз дилдор.
Қўштепалар оралаб шамол,
Елгизлиқдан ўқигай ғазал.
Заҳр чекмай татимайди бол,
Чу, тулпорим, чўчимай денгал.
Беранм деб айб қўйма асло,
Йўловчининг бедодвир ори.
Оч қолса ҳам йўлларда аммо,
Аччиқ қамчи урмас суворий.
Чу, толишдан сўз очма мутлоқ,

Сенинг учун мен йўқман гўё
Эзар менн ҳижрон ва қийноқ,
Елкамдадир дард тўла дунё.
Олис йўллар қалбга бўлган жо,
Олдиндадир бахтим ҳам армон.
Муштдеккина юрагим аро
Ёлғиз умид уради туғён.
Чу, тулпорим, одим-ла илдам,
Олдимда бор анча йўл ҳали.
Манзил чорлар ўша манзилда
Иккимизга бордир тасалли.
Чу, тулпорим ҳали йўл олис...

Темур УБАЙДУЛЛАЕВ.



«Доктор Абст тажрибаси»

Бу кенг экранли ва оддий вариантли бадиий лентани А. Довженко номли киностудиясининг санъаткорлари А. Насибовнинг «Телбалар» романи асосида яратганлар. Фильмнинг режиссёри Антон Тимоншишидир.

... 1943 йил. Атлантика океанидаги кимсасиз оролда—(тўғрироғи шу оролнинг тагидаги бўшлиқда) гитлерчиларнинг махфий лабораторияси жойлашган. Бу оролга яқин жойда бизнинг иттифоқдошларим и з нинг ҳарбий базаси ҳам бор. Бу ерда врач-фашист Абст қўлга тушган ҳарбий асирлар устидан тажриба ишлари олиб боради. У нейрохирургиянинг энг янги ютуқларидан фойдаланиб, ўз қўл остидаги «беморларни» буйруқни кўр-кўрона бажарадиган иродасиз тентакларга айлантиради.

Америка транспорт кемаларини қўриқлаб бораётган бизнинг совқи кемаларимиз немис самолётлари ва сув ости кемаларининг тўсатдан қилган ҳужуми натижасида ҳалок бўлади. Бир совет ҳарбий врачи Карпов шу даҳшатли оролга тушиб қолади. Умрида разведкачилик нима эканлигини билмаган бу оддий киши доктор Абст билан яккамаякка жанг қилади.

У сўроқ пайтида миллати немис эканлигини, аммо Россияда туғилиб ўсгани учун рус тилини билишини исботлашга уринади. Унинг врач эканлиги жонига оро киради. Абст қўл остида ишловчилар ва беморлар группаси устидан назорат олиб борувчи врач Марта бетоб бўлиб қолади...

Ролларда: Карпов—Сергей Десенецкий, Марта — Жанна Владимирская, Абст — Лаймонас Норейка, Пелла— Геннадий Воропаев, Глюк —Улдис Пуцитис, Вальтер —В. Томкус.

Фильм сценарийсини Александр Насибов ёзган

СУРАТДА: шу фильмдан кадр.

Хандалар

Бир қаттиққўл ота учун қаттиқ қўрқитган 17 яшар қизини сўроқ дими? қилиб деди:

— У сени ўпиш мен қаршилик кўрсатсам, бундан кейин мени мутлақо ўпмас эмиш,— деб жавоб қилди қиз отасига.

* * *

Шофёр машинадан тушаётган аёлга ноҳуш оҳангда деди:

— Худди меҳи қорат қилгандай чойчақа учун атиги 15 цент берибсиз?

— Хўш, қанча бериш керак эди, ўзингиз айтақолинг, бўлмаса?

— Энг камида яна 15 цент берасиз!

— Оҳ, азизим! Сизни иккинчи марта яна ҳақорат қилгим келмаяпти.

* * *

— Эшитишимга қараганда бир ўқимишли йигит сенга жазман бўлиб юрганмиш. Ростми шу гап?— деб сўради қиз дугонасидан.

— Ҳа, бундан икки кун олдин у менга Эйнштейннинг «Нисбийлик назариясини» олиб келганди.

— Сен уни ўқиб чиқдингми?

— Йўқ! Бу тўғрида фильм яратилишини кутяпман.

Русчадан Нафиса Жалилова таржимаси.



Бухоронинг яқинида «Ёш қурувчи» пионер лагери ишга туширилди. Бу ерда бир сменада қурувчиларнинг 240 кичкинтойлари мириқиб дам олишади.

СУРАТДА: пионер вожатий Л. Рўзиева пионерлар билан.

А. Усмонов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

●

Ригадаги заводлардан бирида ишлаб чиқарилган янги қурилиш-монтаж машинасининг шарнирли стрелкаси 20 метр баландликка кўтарилади. «МШТС—3А» маркали шундай машиналарнинг биринчи намунаси тайёрланиб Рига қурилишларида ишлатилмоқда. Мутахассислар унга юқори баҳо беришди.

Янги машинанинг устунлиги аниқ. Шарнир стрелка тезда ҳаракат қилиш имконини беради. Уни бошқариш бурилиш рамасига ўрнатилган махсус пультдан амалга оширилади. Стрелага мустаҳкамланган иккита монтаж «савати» ишчилар билан юнни 6—7 қаватли уйга кўтаради. Агрегат 300 килограмм юк кўтара олади.

СУРАТДА: «МТШС—3А» монтаж машинаси. Я. Тихонов фотоси. (АПН).

●

Москва. СССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида очилган «Совет ихтирочилиги 50 йил ичида» юбилей тематик кўргазмаси экспонатлари орасида Ригадаги ихтирочилар Я. Я. Трейманис ва Т. А. Апсалонс томонидан ихтиро қилинган микрофильмлар ва улардан нусха олишни тезлатиш имкониятини берадиган асбоблар комплекси ҳам бор. Я. Я. Трейманис томошабинларга намойиш қилаётган иккита асбобдан ташқари микрофильмларни проекцион ўқиш аппарати ва 35 миллиметрли микрофильмларнинг нусхасини кўчаришда ишлатиладиган механизация-лашган контакт саралаш мосламаси ҳам бор.

Н. Кулишев фотоси. ТАСС фотохроникаси.

ФОТООБЪЕКТИВДА

ЖОНАЖОН ВАТАН

●

● Дружиначилар фаолияти

КЎНГИЛЛИЛАРГА ТАЯНИБ

Шаҳар осойишталигини сақлаш, социалистик ва шахсий мулкнинг дахлсизлигини таъминлаш борасида совет милицияси ходимлари олдида жуда катта вазифалар турибди. Ана шу вазифаларни муваффақиятли адо этишда биз кенг жамоатчиликка таяниб, жиноятнинг олдини олиш юзасидан катта ишлар олиб боряпмиз. Бунинг учун маҳалла ва кварталларда тушунтириш ишлари олиб боряпмиз.

Районимиз ички ишлар бўлими ходимлари механизаторларнинг осойишталигини сақлашда райондаги истироҳат боғлари, кинотеатрлар, стадионлар, кўчалар, маҳаллаларда ва кварталларда кечаю-кундуз тинмай хизмат қилмоқдалар. Бунда бизга халқ кўнгиллилари ёрдам беришмоқда.

Айниқса алоқа институти, «Узбексельмаш» заводи, Отчопар маҳалласидаги кўнгиллилар осойишталикни сақлашда милиция органларига яқиндан кўмаклашишмоқда.

Район ички ишлар бўлимининг ходимлари жиноятчилик ва безориликка қарши курашда прокуратура ва суд органлари билан ҳамкорликда кўраётган ишлари яхши натижа бермоқда. Айниқса биз район партия комитети активлари бераётган ёрдамидан миннатдормиз.

Районимиз милиция бўлими жиноятнинг олдини олиш ва тартибни сақлашда намунали ишлаганлиги учун шаҳар партия комитети ва ижроия комитетининг Кўчма Қизил байроғини олишга муваффақ бўлди.

Кейинги пайтларда айниқса ёшлар орасида безорилик ва ичкиликбозлик ҳоллари кўпроқ учраётгани бизни безовта қилмоқда. Улар ичкилик туфайли жиноий ишлар қилишмоқда. Масалан қишлоқ хўжалик институтининг иккинчи курс студенти Ҳаким Усмоновни олайлик. У шу йилнинг 13 июнида медицина институтида таълим олаётган «ошналари» Озодхўжа Ойхўжаев ва Ҳабибулла Алимовлар билан маст ҳолда Жаҳон Обидова кўчасида бир қизнинг йўлини тўсиш-ган. Дўқ уриб қўлидаги соатини тортиб олишаётган пайтда участка бошлиғи ўртоқ Каплун уларни кўнгилли халқ дружинаси аъзолари ёрдамида қўлга туширади.

Шу йилнинг 1 июнида шаҳар музика билим юртининг ўқувчилари Черников билан Кричколар безорилик қилганликлари учун милицияга тушдилар. Бу икки ёш йигит биринчи имтиҳонни муваффақиятли топширганликлари шарафига ичиб, безорилик қилишган эди.

Юқорида номлари кўрсатилган безориларнинг ота-оналари билим юрти раҳбарлари чақирилиб, кенг муҳокама қилинди ва ўз вақтида тегишли чора кўрилди.

Биз мана шундай жиноий ишларни айбдор ишлаётган корхона ёки у ўқиётган ўқув юртида жамоатчилик иштирокида кенг муҳокама қилиб, қилмишларига яраша жазо бермоқдамиз. Шуни ҳам айтиш керакки, айрим корхона, олий ўқув юртлари ва техникумларнинг раҳбарлари ўз ходимлари ёки ўқувчилари жиноят қилиб милицияга тушганда, уларга ижобий характеристика беришади, милиция ходимларига ёрдам бериш ўрнига жиноятнинг фош этилишига тўсқинлик қилишади. Гўё айбдорни қутқазиб олиб, «ёрдам» берган бўлади. Ваҳоланки бу жуда зарарлидир. Бундай ҳолларга барҳам бериш лозим.

Биз милиция ходимлари, жамоат тартибини бузувчиларга қарши кураш, жиноятнинг олдини олиш ва безориликка йўл қўймасликда район меҳнаткашларининг, кенг жамоатчиликнинг ёрдамига таянамиз. Биз меҳнаткашларнинг маданий дам олишлари, осойишта ишлашлари ва истиқомат қилишлари учун тинмай ҳаракат қилямиз. Шундай тартиб ўрнатишимиз лозимки, район территориясида ва шаҳримизда бирорта жиноят содир бўлмаслиги керак.

Ш. И. ЮСУПОВ,
Кировр район ички ишлар бўлимининг бошлиғи, милиция майори.

Текинхўрга шафқат йўқ

АРОҚ ЎҒРИЛАРИ

Телефон устма-уст жиринглади. Куйбишев район ички ишлар бўлимининг оператив вакили Вася Моргачёв телефон трубкасини кўтарди.

— Шимоли-Шарқ даҳасидан телефон қиляпмиз. Бу ерда озиқ-овқат дўконини уриб кетишибди. Зудлик билан етиб келсангиз.

Милиция вакили бу кўнгилсиз воқеани эшитди-да, хайлга чўмди: «Уч оғайни ботирлар» — Владимир Топтаев, Жора Гойлан, Леонид Шелковлар унинг эсига тушди. — «Тағин шулар бўлмасин», ўзича гапирди В. Моргачёв. Улардан ана шундай ишларни кутиш мумкин.

У ёрдамчиларини олиб, тезлик билан воқеа содир бўлган жойга борди, шароитни ўргана бошлади. Сўнгра В. Моргачёв «Уч оғайни ботирлар» бошлиғининкига йўл олди. Владимирникига тун соат 12 ларда етиб боришди. Бу ерда маишат авжига чиққанди. Дўкондан ўғирлаб келтирилган 237 сўмлик спиртли ичимликнинг шишалари бўшатилган. Маълум бўлишича Владимир туғилган кунини улфатларн билан «мўмай ўлжа» ҳисобига нишонлаётган экан. Жиноятчиларнинг иккаласи ўтирган жойида қўлга олинди.

Леонид Шелков тонг отмасданоқ жамоатчилик ёрдамида ушланди. В. Топтаев эндигина 19 ёшда ремонт-қурилиш бошқармасида оқловчи бўлиб ишлайди. Ўртанча ботир ҳам шу ерда. Топография техникумининг студенти «Кенжа ботир» бўлса 159-қурилиш трестининг 53-қурилиш бошқармасида суворқчи.

Улар суд олдида жавоб беришади.

К. ХАМРОЕВ.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.



ва ЭЪЛОНЛАР

РАДИО

21 ИЮЛЬ
ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18,00 «Мусобақадош дўстларимизнинг ишлари» деган эшиттириш (русча). **18,10** Н. Холмамедов. «Туризм ва истироҳат» (тожикча). **18,40** Ўзбекистон симфоник лавҳалари. **19,20** Ўзбек халқ куйлари. **20,00** «Юность Узбекистана» радиостанциясининг программаси. **20,40** Ишчи ёшларнинг талабларига мувофиқ концерт (русча). **21,00** Халқаро мавзуларда суҳбат (ўзбекча). **21,10** Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. **22,30** «Янги ёзувлар». Ҳамза номли театрнинг «Мария Стюарт» спектаклининг монтажи.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19,00 «Тоҳир ва Зуҳра» операсидан парчалар. **19,30** «Музикали календарь» (русча). **20,00** «Командирнинг жасорати» номли ҳикоя (тожикча). **20,20** «Бузрук» маҳомидан парчалар. **21,00** Эрнест Хемингуэй туғилган кунининг 70 йиллигига бағишланган адабий эшиттириш (ўзбекча). **21,40** Москва.

22 ИЮЛЬ
СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6,15 Тонгги концерт. **7,40** С. Аминов куйлайди. **8,25** Область театрлари артистларининг концерти. **9,30** Б. Бровцин. «Севги йилномаси.» **10,30** Ўзбекистон ССР халқ артистлари С. Ярашев ва Ш. Раҳимова ижросида қўшиқлар. **11,15** «Иқтисодчи олимнинг фикрлари» деган эшиттириш (ўзбекча). **11,30** «Янгра ўзбек қўшиқлари Ильич юртида» деган концерт. **13,30** «Волга бўйи қўшиқлари» деган концерт. **15,15** «Замондошларимиз» деган адабий эшиттириш (русча). **15,30** «Севимли ёзувчилар радионутубхонаси». К. Симонов. «Тирикларнинг ўликлари» романидан парча (ўзбекча). **16,10** «Композитор Комил Кенжаев» деган эшиттириш (ўзбекча). **16,50** «Правда» газетасининг обзори.

18,00 «Гўшт фабрикаси» деган эшиттириш (русча). **18,10** Фортепьяно пьесалари. **19,20** Республика композиторларининг хор асарлари. **20,00** «Ёшлик» радиостанциясининг программаси. **20,40** Ёшлар учун концерт (ўзбекча). **21,00** «Лениниана» программаси (русча). **22,20** Лирик қўшиқлар. **22,40** Т. Тўла. «Ҳамза» поэмасидан парча (ўзбекча). **23,15** Дам олиш концерти.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

8,25 Совет авторларининг ватанпарварлик қўшиқлари. **9,15** Реклама ва эълонлар. **19,00** «Гулшан» дан бир саҳифа (ўзбекча). **19,30** Совет Армияси жангчилари учун концерт (русча). **20,00** Далада ишлаётганлар учун концерт (тожикча). **20,30** Қорақалпоқ куйлари. **20,50** «Ҳамроевлар оиласининг бахти». Тожикистон радиосининг эшиттириши (русча). **21,00** «Ҳаёт мамот учун». Адабий эшиттириш (ўзбекча). **21,40** Москва.

ТЕЛЕВИЗОР

21 ИЮЛЬ
ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18,30 Кўрсатувлар программаси.
Рус тилида: **18,35** Болалар учун. «Пин ва Гвин» Кинофильм. **18,45** «Советский воин». Тележурнал. **19,45** Телевизион янгиликлар. **20,00** Кўрсатувлар программаси ва реклама.
Узбек тилида: **20,10** Телевизион янгиликлар. **20,30** Галлакорларнинг меҳнат рапортлари. **20,50** Телевизион театр. В. Кочетов: «Ака-ука Ершовлар» (Учинчи қисми).

МОСКВА КЎРСАТАДИ

22,30 Рангли телевидение программаси. Футбол бўйича халқаро учрашув. «СПАРТАК» (Москва)— — «НАСИОНАЛЬ» (Уругвай). Танаффус вақтида телевизион янгиликлар.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ
ЎҚУВ КЎРСАТУВЛАР ПРОГРАММАСИ

Узбек тилида: **18,00** Ўқишга марҳамат! **18,30** Абитуриентлар учун кимёдан машғулот. **19,00** Абитуриентлар учун математикадан машғулот.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

19,55 Кўрсатувлар программаси. **20,00** Янгиликлар. **20,15** Ҳужжатли фильм. **20,45** Зангори экран ҳафталиги. **21,00** «Пионерия» телевизион агентлиги. **21,30** «Биз — коммунистлар» Телеочерк. **22,00** «Вақт информацион программаси. **22,30** Рангли телевидение программаси. Футбол бўйича халқаро учрашув «СПАРТАК» (Москва)— «НАСИОНАЛЬ» (Уругвай). В. И. Ленин номидаги Марказий стадиондан олиб кўрсатилади. Танаффус вақтида янгиликлар. **00,15** Москва кўрсатувларининг охири.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА ДУШАНБА КЎРСАТАДИ

Рус тилида: **18,00** Экран — болаларга. **18,30** «Ёшлик» орбитасида. **19,00** Янгиликлар. **19,15** «Оташқалб инсон». Репортаж. **19,40** Музикали экран.
Тожик тилида. **20,40** Маиший хизмат кўрсатиш ходимлари слёти. **20,55** Тожик поэзияси саҳифалари. **21,15** Янгиликлар. **21,30** Бадиий фильм.

22 ИЮЛЬ
СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА
МОСКВА КЎРСАТАДИ

14,45 Янгиликлар. **15,00** Варшава шаҳридан Польша Халқ Республикаси ташкил топган кунининг 25 йиллигига бағишланган парад олиб кўрсатилади. **16,20** Москва кундузги кўрсатувларининг охири.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18,30 Кўрсатувлар программаси. **18,35** «Юлдузча» тележурнали (ўзбек тилида).
Рус тилида: **19,10** Телевизион янгиликлар. **19,25** Андижон сув омбори ҳақида эшиттириш. **19,45** «Кино ҳақида суҳбатлашамиз». Киноэшиттириш. **20,45** Кўрсатувлар программаси ва реклама.
Узбек тилида: **20,55** Телевизион янгиликлар. **21,10** «Музикани қандай тингламоқ керак?». Сюита. **21,45** «Пропагандист». Тележурнал. **22,10** «Трест операцияси». Телевизион бадиий фильмнинг иккинчи серияси

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Ўқув кўрсатувлар программаси.
Узбек тилида: **18,00** Абитуриентлар учун физикадан машғулот.
Рус тилида: **18,30** Абитуриентлар учун физикадан машғулот. **19,00** Абитуриентлар учун математикадан машғулот.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

19,55 Кўрсатувлар программаси. **20,00** Янгиликлар. **20,15** Музикали программа. **21,00** Беш йиллик йўлларидан. **21,30** Польша Халқ Республикаси ташкил топган кунининг 25 йиллигига бағишланган эшиттириш. **22,00** Польша фильмлари фестивали «Унутилмас баҳор». Бадиий фильм. **23,30** «Вақт» информацион программаси. **00,15** Музика бугунги кунда. **01,00** Халқаро VI кинофестивалининг ёпилиши олиб кўрсатилади. **02,00** Москва кўрсатувларининг охири.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Узбек тилида: **20,00** Камер куйлардан концерт. **20,40** Халқ Польшаси 25 ёшда.
Рус тилида: **21,05** «Рационал кўча ҳаракати». Илмий-оммабоп фильм **21,25** «Болохонали уй». Бадиий фильм.

ТЕАТР

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 21|VII да Тошболта ошиқ, 23|VII да Ажаб савдолар, 24|VII да Фарғона тонг отгунча.

Кино

21 ИЮЛДА
ҚИШКИ БИНОДА

Доктор Абст тажрибаси — НАВОИЙ номли, «ДРУЖБА» (кечқурун), «МОСКВА» (кеч соат 7 да).
Шошилинч ниқоҳ — «ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ИЛЛИГИ» «ВОСТОК», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЛЛИГИ» (кечқурун).
Қор аёл ҳақида афсона — «ЧАЙКА» (кечқурун).
Онла жанжали — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЛЛИГИ» (кечқурун).
Бомбай тун оғушида — САНЪАТ САРОЙИ (кеч соат 7 ярим ва 9 ярим да).
Оқ рояль — «МОСКВА» (кеч соат 9-20 минутда).

ЁЗГИ БИНОДА

(кеч соат 9 ва 10-40 минутда бошланади).
Шошилинч ниқоҳ — ТЕЛЬМАН номли.
Қизил соқол — НАВОИЙ номли.

22 ИЮЛДА
ҚИШКИ БИНОДА

Доктор Абст тажрибаси — НАВОИЙ номли, «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун), САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб соат 11, кундуз 1 ва 3 да), «ЧАЙКА» (эрталаб соат 11-45 ва кундуз 1-30 минутда), «МОСКВА» (эрталаб 11-40, кундуз 3 ва кеч 7 да).
Шошилинч ниқоҳ — «ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ИЛЛИГИ», «ВОСТОК», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).
Қор аёл ҳақида афсона — «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).
Онла жанжали — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).
Бомбай тун оғушида — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 5 ярим, кеч 7 ярим ва 9 яримда).
Кашмирдаги севги — НАВОИЙ номли (кундуз соат 4-20 минутда).
Оқ рояль — «МОСКВА» (эрталаб соат 10, кундуз 1-20 минут, 5 ва кеч 9-20 минутда).

«ЖИЛСТРОЙ» ТРЕСТИНИНГ ОБОДОНЛАШТИРИШ БОШҚАРМАСИГА

Сиртқи сантехника бўйича трубаларни ётқизувчи слесарлар, йўл ишчилари, автокранчилар (ишбайга), шунингдек мастер ва прораблар, катта прораблар, ишлаб чиқариш техника бўлимининг бошлиғи, секретарь-машинистка, омборчилар

КЕРАК

Якка яшовчилар ётоқхона билан, оилаликлар турар жой билан таъминланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Усмон Юсупов кўчаси, 3-уй (7, 8, 10, 11, 16-трамвайларнинг «Ўрда» бекати).

ЧИЛОНЗОР РАЙОНИДАГИ «ШИРИН» 15-МАКТАБ МАГАЗИНИГА

озиқ-овқат моллари сотувчиларни тайёрлаш учун

ЕШЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати — 6 ой. Ўқувчиларга 45 сўмдан 54 сўмгача стипендия берилади.

8—10 синф ҳажмида маълумотга эга бўлган 16—24 ёшлилар қабул қилинади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Фурқат кўчаси. Махсус проезди, 4 уй (14, 27, 51 автобуслар, 2, 6, 12, 7-троллейбусларнинг «Қоратош» бекати).

Чилонзор массиви, В-23 квартал, Р. Ғулом кўчаси, 41 уй (9, 15-трамвайлар, 11, 59-автобусларнинг «Ширин» бекати).

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОЦИАЛ ТАЪМИНОТ БЎЛИМИНИНГ ЎҚУВ КОМБИНАТИ қуйидаги касбларга

1969-70 ўқув йили учун ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

приёмник ва телевизорлар ремонти бўйича механик, ортопедпойафзалчи, тикувчи, секретарь-машинистка, бухгалтер.

Ўқиш муддати — 10 ой.

16 дан 45 ёшгача бўлган мажруҳлар, мажруҳларнинг фарзандлари ва боқувчиларидан ажралганлар 16 дан 20 ёшгача қабул қилинади.

Машғулотлар — 1 сентябрдан бошланади.

Ўзлаштирувчилар стипендия билан таъминланади.

Ўқув комбинати ётоқхона билан таъминламайди.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Бешёғоч кўчаси, 45-уй. Телефон 4-37-01.

Тошкент шаҳар Октябрь районидаги 10-кечки ишчи-ёшлар мактаби томонидан **Муҳитдинов Риҳсибой** номига берилган **542849** сонли йўқолган

ЕТУКЛИК АТТЕСТАТИ

бекор қилинади.

ТАШКИЛОТ, КОРХОНА, ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ВА ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА

„ТОШКЕНТ ОҚШОМИ“

газетасининг эълонлар бўлими ҳар турли эълонларни қабул қилади

Шу жумладан ишга таклиф, конкурслар, диссертация ёқлаш ҳақида, таъзия, қар хил буюмларни сотиш (уйлар, коналар, мебеллар, гуллар в. б) штамп, думалоқ печатлар, етуклик аттестатлари, дипломлари йўқолганлиги тўғрисида.

Қабул қилинган эълонлар бир ҳафталик муддатда босиб чиқарилади.

Эълонлар якшанба кундан бошқа қар куни кундуз соат 2 дан 4 гача қабул қилинади.

АДРЕС: Тошкент шаҳар «Правда Востока» кўчаси 26-уй, 1-қават.

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА ТЕЗ КУНДА

М. Шамахалов асари, З. Багиров мусиқаси

«ҚАЙНОНА»

(2 парда, 5 кўринишли комедия)

Озарбайжончадан Н. АЛИЕВА таржимаси, асарни саҳналаштирувчи режиссёр ЎзССР халқ артисти Ҳ. УМАРОВ.
Режиссёр — ЎзССРда хизмат кўрсатган артист О. ФАЕЗОВА.
Рассом — ЎзССР халқ рассоми В. А. РИФТИН.
Дирижёрлар — Н. ҲАЛИЛОВ ва З. ТОШМАТОВ.
Балетмейстер — О. НАЗРУЛЛАЕВ.
Концертмейстерлар — А. Б. МАЛИНА, М. А. ФУРМАН
Режиссёр ассистенти — Х. ШАРИПОВ.

Бухоро область Қоракўл районидаги Крупская номли 48-ўрта мактаб томонидан Ҳамраева Дилбар номига берилган **649653** сонли йўқолган

УРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

бекор қилинади.

Ўзбек Давлат филармонияси ва Ўзбек Давлат эстрадаси коллективлари Ўзбекистон ССР халқ артисти

Баҳром Алиевич ИНОЯТОВнинг

бевақт вафот этганлигини маълум қилади ва марҳумнинг оиласига чуқур таъзия билдиради.



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 4 БЕТ. 21 ИЮЛЬ, 1969 й.

«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар Дзержинский кўчаси, 15-уй, Редакция телефонлари: коммутатор —33-02-49 дан 33-02-58 гача, редактор ўринбосарлари 33-29-33, 33-29-09, масъул секретарлар —33-27-22, партия, совет ва касаба союз ташкилотлари, шаҳар хўжалиги бўлимлари 33-29-42, адабиёт, санъат ва маданият бўлими 33-29-55, хатлар ва оммавий ишлар, 33-29-70, фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари 33-27-57, саноат, транспорт, қурилиш бўлимлари —33-27-03, ахборот бўлими—33-65-57, эълонлар бўлими —33-81-42.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри

НАШР 2804. Р. 14455. Индекс 64579